

(автотранспорт ва машина механизм хизматини курсатиш хакида)

Тошкент ш.

«11» март 2022 й.

Бир томондан «Тошкентйулкукалам», унитар корхонаси келгусида «Буюртмачи» деб номланади, номидан низом асосида иш юритувчи директор в.в.б А.Эшнаев ва иккинчи томондан «NODIRA MUXRIDDIN» МЧЖ келгусида «Бажарувчи» деб юритилувчи ўз низомига кўра фаолият кўрсатувчи корхона раҳбари Б.Ахмедов ўзаро келишиб ушбу шартномани туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 «Бажарувчи», «Буюртмачи» буюртмасига кура автотранспорт машина ва механизм хизматини курсатади. «Буюртмачи» эса курсатилган хизмат ва бажарилган ишлар учун туловни амалга оширади.

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1 «Буюртмачи» куйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:

а) Объектда автотранспорт ва машина механизм хизматларини курсатиш даврида, техник масалаларни, хар-хил камчиликларни хал кила оладиган, курсатилган хизматлар хакида юк-транспорт-вараг(ТТН)ларни текшириб чикадиган жавобгар шахсни тайинлайди.

б) «Буюртмачи» автотранспорт ва машина-механизм ажратиш учун камида бир кун олдин олдиндан олзаки ёки ёзма талабнома беради, ёхуд томонлар махсус келишган усул асосида хизматларни бажарилишини талаб килади, ва ушбу хизматлар учун пул маблағларини тулайди.

в) Ишлаб чиқариш ёки автотранспорт ва машина механизм хизматларини курсатиш пайтида зарурият туғилса «Буюртмачи» «Бажарувчига» ўзининг захирасида бўлган, ёки ўз ҳисобидан учинчи шахсдан олган ҳолда, озик – овқат, техникаларни кўриқлаш хизмати, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳуқуқига эга ва «Бажарувчи» ушбу озик – овқат, техникаларни кўриқлаш хизмати, эҳтиёт қисмлар ва техника ва автотранспорт воситаларга кетадиган хар хил (мотор, ва бошқа агрегетлар) мойлар нарҳини «Буюртмачи» томондан тақдим этилган ҳисоб варағалар асосида уч иш кунни ичида қабул қилиб, белгиланган тартибда расмийлаштириб, кейинчалик ўз ҳисобидан кўрсатган автотранспорт ва машина механизм хизматлар ҳақидан айриб «Буюртмачи» билан ўзаро ҳисоб китоб қилиши шарт. «Буюртмачи» техника бекор туриб қолишига мулкый жавобгар бўлмайди. автотранспорт ва машина механизмларни қуриқлаш мажбуриятини «Бажарувчи» ўз зиммасига олади.

г) Ишлаб чиқариш ёки автотранспорт ва машина механизм хизматларини курсатиш пайтида «Бажарувчи» томонидан ажратилган автотранспортни бошқараётган ҳайдовчига хизмат ҳақини ва автотранспортга ишлатиладиган ЁММ ўз ҳисобидан таъминлайди. «Буюртмачи» техника бекор туриб қолишига мулкый жавобгар бўлмайди. автотранспорт ва машина механизмларни қуриқлаш мажбуриятини «Бажарувчи» ўз зиммасига олади.

2.2 «Бажарувчи» куйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:

а) Объектда ишларни бажариш ҳамда автотранспорт ва машина механизм хизматларини курсатиш даврида техник, ёнгин ва ҳаракат хавфсизлиги коидаларига, хизмат кўрсатишда белгиланган маршрутдан четга чиқишларга, хар қандай қонунчилик талабларига риоя қилмаганлик ҳолати бўйича тўлиқ жавоб беради.

б) «Буюртмачи» буюртмасига асосан техник жихатдан соз ва бутун, техник-хавфсизлик воситалари билан жиҳозланган автотранспорт машина - механизм воситаситаларини ажратади ва буларга жавобгар шахсни тайинлайди.

в) «Буюртмачи» буюртмасини уз вақтида ва сифатли бажариб беришни қафолатлайди.

г) «Бажарувчи» ўз ҳисобидан «Буюртмачи»га хизмат кўрсатаётган автотранспорт техник кўриги ва бошқа техник тузатишлари созлигини таъминлайди, автотранспортни эҳтиёт қисмлар (мавсумда аккумулятор, балон (шина) ва х.к.) билан таъминлайди.

д) «Бажарувчи» бажарилган хизматлар учун ҳақини жорий йилнинг бошида олинган эксперт ҳулосаси асосида асослаб беришни, ҳамда хизмат ҳақига бошқа киритилган қушимча

чикимларини келиб чиқишини расмий ҳужжатлар билан асослаб бериш мажбуриятини олади, акс холда «Буюртмачи» талабномада ва асл келишувда назарда тутилмаган кушимча чикимларни ушбу кушимча чиким ва харажатларини кейинчалик тулаб бермасликга ҳақлидир.

г) Мазкур шартнома расмийлаштириш даврида ва кейинчалик хизматлар курсатилаётган пайтда «Бажарувчи» ушбу шартнома шартларини тулик бажаришга етарли рұхсат (лицензия) ҳужжатларига эгаллигини, ва хизматларини бажаришга бошқа тускинлик йуқлигини, шартнома имзолашга мансабдор шахсининг ҳуқуқи борлигини, ҳисоб китоблар аниқ булишини, шунингдек шартномага керакли иловалар тугрилигини уз зиммасига олади.

### **3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ.**

3.1 Шартноманинг тахминий киймати амалдаги нарҳда тахминан хар ойига 12 500 000 сўмдан жами 150 000 000 сумни ташкил этади.

3.2 Шартнома киймати очик ҳисобланиб, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

чиқарилган қарорлар ва норматив ҳужжатларга асосан узгариши мумкин.

3.3 Курсатилган хизматлар ҳақини ҳисоблаш учун келишув баенномасидаги нарҳлар асос килиб олинади.

### **4. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.**

4.1 «Буюртмачи» тасдиқлаган бирламчи ҳужжатларга (ТТН, маълумотномага) асосан «Бажарувчи» реестр тузади ва «Буюртмачи»га хар ойнинг 30-санасигача ҳисоб-фактура орқали туловга тақдим қилинади.

4.2 «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг ёзма талаби буйича ойлик курсатилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб 15% олдиндан туловни амалга оширади.

4.3 «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун тулов суммасини «Бажарувчи» томондан хизмат курсатилаётган объект буйича Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йул жамғармасидан пул маблағларини олгандан сунг, тасдиқланган ҳужжатларга асосан «Бажарувчи»га тулаб беради.

4.4 Хар ойда бажарилган ишлар умумий кийматидан 5 фоиз миқдоридаги маблағ, «Бажарувчи» томондан хизмат курсатилаётган хар бир объект давлат комиссия томонидан қабул қилиниб ўн икки ой қафолат муддати ўтгангача «Буюртмачи»да ушлаб қилинади. Ушбу 5 фоизлик қафолат маблағлари Республика Йўл жамғармаси томонидан «Буюртмачи»нинг ҳисоб-рақамига кўчириш йўли билан амалга оширилгандан сўнг «Бажарувчи»га тулаб берилади. Агар «Бажарувчи» ушбу 5 фоизлик пул маблағини талаб қилса, бу холда «Бажарувчи» томондан хизмат курсатилаётган хар бир объект давлат комиссия томонидан қабул қилинганлиги ва қафолат муддати утганлигини «Бажарувчи» томонидан белгиланган тартибда расмилаштирилган ҳужжатлар билан исботланиши шарт.

4.5 «Бажарувчи» бажарилган ишлар ва курсатилган хизмат ҳақидаги ҳисоб-фактураларни хар ойнинг 30 санасигача «Буюртмачи»га етказилишини таъминлаши шарт. Агар ҳисоб-фактуралар бронга-бир сабабларга кура кечикиб тақдим этилган булса, бу холда ушбу ҳисоб-фактураларга «Буюртмачи» томонидан амалда имзоланиб қабул қилинаётган санаси ёзилади ва ҳисоб-фактуралар кечикиб етказилиши шартноманинг 4.2-бандида назарда тутилган туловни амалга оширишни кечиктиришга асос булади.

### **5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

5.1 Томонлардан бири уз мажбуриятини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса мулкий жавобгар ҳисобланади ва натижада келтирилган зарарни қоплаб беради. Буюртмачи ишлар хизматлар ҳақини кечиктирилиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 фоизи, аммо кечиктирилган сумманинг 10% фоизидан ортик булмаган миқдорда пеня тулайди.

5.1 Бажарувчи: хизматларни бир қисмини курсатиб қолган қисмини курсатмаган ҳолларда кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи, аммо курсатилмаган хизмат сумманинг 10% фоизидан ортик булмаган миқдорда пеня тулайди. Агар «Бажарувчи» ушбу шартнома асосида хизмат курсатишга бунақ пулини олган булса, лекин бир томонлама бош тартиб ишларни умуман бажармаган ёки хизматларни умуман курсатмаган ёхуд ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаса «Буюртмачи»га ушбу шартнома умумий кийматининг 10% миқдорида жарима тулайди.

## 6. ШАРТНОМАНИ АМАЛ КИЛИШИ.

6.1 Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва ишлар якунига қадар амал қилади.

6.2 Шартномани кучини йукотиши ушбу шартнома буйича олинган мажбуриятлар буйича эътирозларни якунига етказиб хал қилиш учун таъсир қилмайди.

Шартномани узгартириш, қушимча қиритиш томонларни узаро қелишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади.

## 7. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИНИШИ.



7.1 Мазкур шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин: Буюртмачи» туловларни амалга оширишга бир йилдан ошқик муддатда қодир бўлмай қолганда; «Бажарувчи» шартномада қурсатилган хизматларини уз вақтида ёки қеракли хажмида бажармаслиги оқибатида, «Буюртмачи»га ушбу хизматларнинг ахамияти қолмаганда; Объект қонсервация қилинганда; Форс-мажор ҳолатлари вужудга қелганда. Узаро икки томон қелишуви асосида.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР.

8.1 Шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида қелиб қикқан низолар тарафлар томонидан оғзаки узаро қелишув йули билан хал қилинади.

8.2 Узаро қелиша олинмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида тегишли туманлараро иқтисодий судида хал этилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Буюртмачи»	«Бажарувчи»
<u>Тошкент йўлқўалам УҚ</u>	<b>“NODIRA MUXRIDIN” МЧЖ</b>
<u>Тошкент ш. Учтепа т. Халқа йўли кўчаси 7-уй .</u>	Регион: Бухарская область
<u>х/р: 22626000700822016001</u>	Адрес: РОМИШ ҚФЙ УРГАНЖИЁН
<u>ТИФ “Миллий банк” М. Улуғбек филиали.</u>	КИШЛОГИ
<u>МФО 00895</u>	БАНКОВСКИЙ СЧЁТ
<u>ИНН 305157164</u>	ЖОНДОРТ., АТ ХАЛҚ БАНКИ
<u>КТУТ: 27422290</u>	ЖОНДОР ФИЛИАЛИ
<u>Тел: 71-2474824</u>	Счет: 20208000400528809001
	
<i>А. Эшнаев</i>	<i>Б. Ахмедов</i>

*юрисист*  
*[Signature]*

*А. Сулҳонмуродов*